

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва
истиқболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари
ТЎПЛАМИ**

Бухоро - 2021

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет

Масъул муҳаррирлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори, доцент

Таҳрир хайъати:

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ғ.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

Тақризчилар:

Бақоева Муҳаббат Қайумовна – ф.ф.д., профессор

Қаршибаева Улжан Давировна – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпلامда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

внебрендо вой реальности и может полноценно функционировать лишь в том культурном пространстве, где товар повсеместно заменен товарным мифом.

Заключение. «Абсурдность, нелепость рекламных текстов, вписанных в не менее странную с точки зрения допостмодернистской логики сюжетно-фабульную линию, дает читателю взглянуть на современную жизнь со стороны и понять всю абсурдность отхода от своего духовного начала в сторону неодушевленных вещей, якобы способных решить все проблемы и сделать обладателя счастливым». На самом же деле, лишь способствует утрате собственного «Я». «Человек без духовных и моральных ценностей есть ничто. Он нуль, даже меньше нуля. Он кусок мяса, живущий лишь для того, чтобы материально ни от кого не зависеть, но в то же время, интеллектуально и духовно стать рабом»[2, с. 151].

Литература:

1. Бегбедер Ф. 99 франков. М.: Иностранка, 2007. 396с.
2. Кугаевский А. Художественная интерпретация товарного дискурса в романе Виктора Пелевина «Generation П» // Критика и семиотика. Вып. 9. Новосибирск, 2009. С.144-157
3. Лихина Н.Е. Актуальные проблемы современной русской литературы. Постмодернизм. – Калининград, 1997.
4. Пелевин В. Generation «П». – М. 1999. URL.: <http://pelevin.nov.ru/romans/pe-genp/>
5. Пелевин В. Generation «П». М.: Эксмо 2003. 352с.

ГУЛЛАРИНГНИ АЙЛАДИ ЧЎП ҚАРҒА, БОЙҚУШ, ЗОҒ, ТИЛИМ...” (Шоир Самандар Воҳидов ижоди мисолида)

Сафарова Хилола Охунжонова,

БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

Бухоро адабий муҳитида XX аср охири ва XXI асрнинг бошларида фаолияти борган таниқли шоир ва мутаржим, ҳозиржавоб публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Самандар Воҳидов ўзбек мумтоз ғазалчилигининг ўзига хос анъаналарига амал қилиб келган ва шу билан бирга янги, новаторона ёндашувларни ҳам ижодида мужассамлаштира олган шоирдир.

Шоирнинг ғазалларини мавзу моҳиятидаги ранг-баранглигига кўра ошиқона, орифона, риндона, баҳория, наврўзия, шитоия (ишқ васфи), марсия ва ҳажвия каби хилларга бўлиш мумкин.

Шоирнинг орифона ғазаллари мавзу мундарижасини бойитган икки асари ўзига хосдир. Булар аслида бағишлов ғазаллар бўлиб, дидактик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Бири 11 байтли “Мўжиза” ғазал-қасидаси бўлиб, тилимизга давлат тили мақоми берилганлигининг бир йиллигига бағишланиб 1990 йилда ёзилган; иккинчиси – 2010 йилнинг 3 февралда ёзилган 9 байтли “Тил, аввало...”

ғазалидир. Улар мазмун-моҳиятига кўра бир-бирини тўлдиргани боис дилогик ғазал саналиши мумкин.

Ғазал-қасидада она тилимизнинг Давлат тили мақомини олғунига қадар босиб ўтган тарихий йўлига саёҳат қилиниб, унинг беғуборлик касб этишида Маҳмуд Қошғарий, Улуғбек ва Алишер Навоий қилган хизматлар бир-бирэсланади. Шунга қарамай ғайрлар дастидан унинг қисмати оғирлигича қолаверди:

Бубули гўёга тимсол куйласанг–чўп ёзди гул,
Гулларингни айлади чўп қарға, бойқуш, зоғ, тилим.
Бедиёнатлар хиёнат мулкига бурганда юз,
Сен йироқ қочган “Ироқ”, сен ушоқ “Ушшоқ” тилим.
Учди зардўз жойнамазинг каштасидай нақшларинг,
Ранг–хира, мазмун–забун, хору гадо, подшо тилим.
Ўз уйида камситилса хонадоннинг соҳиби,
Бормукин очунда бундай дўзахий қийноқ, тилим?

Шўролар салтанати замонида “ўз уйида” бу тил камситилди, хор этилди. Бу дунёдаги мисли кўрилмаган кўргулик! Шоир буни “дўзахий қийноқ” деб атайди ва бунга у тўла ҳақли. Шоир она тилисининг беҳад бойлигини булбули гўёга қиёсласа, ёқимлилигини булбул куйлаган куйга ўхшатади. Аммо қарғаю бойқушу зоғлар булбул куйлаганда муаттарлик уфурадиган ўша гулларни яланғоч чўпга айлантирди, ўша диёнатсизлар қора қилмишидан “Ироқ”у “Ушшоқ”лар сингари “йироққа қочди”, “ушоқланди” (бўлақланди). Шоир лутф ва талмеҳ санъатларини ўзаро уйғунлаштириб, тилимиздаги назокатли оҳангдорликни йўқотишга уринганларини фош этади. Бу билан ҳам чекланмай, тилимиз покизалиги ва сернақшлигини “зардўз жойнамаз”га қиёслаб, шундай тилни “ранг–хира, мазмун–забун, хору гадо”га айлантирилганидан афсусланади. Шоир ўз тилидан тонмаганига шукрона қилиб, ўз она тилига ёниб хитоб қилади:

Беқуёш, заъфар кўкатдай бемажол бошинг кўтар,
Беҳудуд уммонга айлан, қақраган ирмоқ тилим.
Менсимаслар қасдига сен айлақўз-кўзўзлигинг,
Бахтима байроқ тилим, эй, бахтдан ҳам бойроқ тилим!
Мўжизам, сендан Самандар тонса оқ айла абад,
Икки дунёсин жаҳаннам оташида ёқ, тилим! [1,44]

Тил – халқники. Қайси халқ ўз тили билан ифтихор қила билмаса, ўша халқ – ғурури синиқ халқ ҳисобланади. Шоир тилга хитоб қиларкан, аввало, она элига хитоб қилади. Элининг қуёш нуридан – эркидан маҳрумлиги туфайли “заъфар кўкатдай” сарғайиб, “бемажол” бўлиб қолгани –камситилган ғурури тимсолига айланган тилини ўз ҳақ-ҳуқуқига эгалик қилишга чорлашида катта ижтимоий-сиёсий маъно юклайди. Шоир бу маънони кейинги байтда “б” товуши аллелератсиясига асосланган “Бахтима байроқ тилим, эй, бахтдан ҳам бойроқ, тилим!” сатрида янада ҳаяжонли этиб таъкидлагани бежиз эмас. Аслида ўша таъкид заминида тил эгаси бўлган халқ кўзда тутилаётгани равшан кўриниб турибди. Чиндан-да, ҳақиқий курашган руҳ касб эта олган тилгина уни камситганларнинг “икки дунёсини жаҳаннам ўтида” ёқа биладиган қудрат соҳиби

бўла олади, шундагина у чинакам “мўжиза”га, ҳақиқий мўжизавий қудратга эга кучга айланади. Шоир шу мантиққа суяниб, унга “мўжизам” деб мурожаат қиларкан, садоқатини қасамёд тарзида ифодалашни унутмайди. Чунки, унинг талқинича, тил “бебаҳо бир ганж”, у ҳаммага–шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хилда хизмат қилади, барчанинг дилини бир-бирига боғлайди. Шоир ”Тил, аввало...” ғазалида тилнинг худди шу коммуникатив вазифасини ахлоқий моҳиятга сингдирган ҳолда тасвирлаш йўлидан боради:

Инсон тили, аввало, салом учуняралган,

Рухиятгаҳаловатпайғомучуняралган.

Тил ганжи бебаҳодир, шоҳу фақир баҳраманд,

Наинкихосучун ё авомучуняралган?!

Дилларнибир-биригалутф ила бойлагантил,

Озорэмас, юракка ором учуняралган.

Тил болу тилоғудир, захриниэтмашоён,

Асали ёру дўстгаинъомучуняралган.[1,44]

Силсилавий қофия вазифасини бажариб келаётган “салом, пайғом, авом, ором, инъом” ва кейинги байтлардаги оҳангдош сўзлар бир пайтнинг ўзида уч хизматни–ҳам қофия, ҳам тил сифатловчилиги, ҳам тил бажарадиган вазифани адо этиб келадики, бу шоир санъаткорлиги даражасини кўрсатувчи биринчи белгидир. Иккинчи белги–қофиядан кейин келаётган “учун яралган” радифи ҳам шу маънони кучайтиришдан ташқари, сатрлар оҳангидаги равонликни таъминлаб келганидир. Шу сабабли ўша радифларни қофиядан узиб ташлаб бўлмайди, акс ҳолда мисралар мазмуни тўмтоқлашади, хиралашади, натижада мисраларда нима дейилаётганини англаб бўлмайди. Бунда ҳар бир сатр тугалланган поэтик маънога эга, шоир ғазалдаги поэтик нутқни шу хилда қурган. Чиндан ҳам тилнинг “салом учун яралганининг ўзи инсонни шарафловчи нақадар кенг ахлоқий тушунча. Энди унинг инсонлар орасида “пайғом”–хабар тарқатиб, руҳларига ҳаловат бағишлаши, бунда шоҳу гадони тенг кўриши, шунга қарамай, қанчалик ширин бўлса, шунчалик оғу, яъни аччиқни сўзлашга қодирлиги ташбеҳу тазодлар воситасида ифодалангани эътиборга лойиқ.

Тил – дил калити. Дили покнинг тили пок бўлади. Шоир инсонларни пок тилли ва пок дилли бўлишга ундар экан, пок дил ва пок тил–иймон ва эътиқодга бошлашини уқтиришни унутмайди:

Пок сўзла, покла тилни, эрта жавоби бордир,

Тил иймон эътиқодга мақом учун яралган.

Сўз сўзласанг, Самандар, меъёру мезонни бил,

Шоир тили шарҳи дил – илҳом учун яралган. [1,45]

Самандар Воҳидов сўзга ката масъулият юклайди ва унга масъуллик билан муносабатда бўлади.

Шоирнинг “Сўйласанг” ғазалигаэътиборни қаратадиган бўлсак, 1999 йилнинг 22 февралда ёзилган ғазал етти байтли бўлиб, ҳар байти ”Сўйласанг” сўзи билан бошланади. Сатр бошида такрорланган сўз мазмун оқимини бошқариб боради:

Сўйласанг, сўз яинаса, тош узра кулган гул каби,

*Завқидандилияйраса, бандданкутилганқулкаби.
Сўйласанг, жонларга ором–куйгаайлансинсўзинг,
Рухгашиқдардинисолсинназмаибулбулкаби...
Эй Самандар, сўздеюрмандебқаламйўндингми, бас,
Тошбосарсўзайтмасанг, оғритма бош довулкаби.[2,78]*

Сатрларда „тош узра кулган гул каби“, „банддан кутилган қул каби“, „нағмаи булбул каби“, оғритма бош довул каби“ ташбеҳлар айни чоғда сўз масъулиятини изоҳловчи сифатловчилардир. Шу сифатловчилар тизими шоирни хамиша “тошбосар сўз айтиш“га ундаган масъуллик юкларидир. Шоир шундай масъуллик юки билан ғазалга ёндашиб, тил ва сўзга бўлган қалбидаги ҳис ва дардларини куйлай олган.

Адабиётлар:

1. Хаёлинг мен билан (шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достон)–“Бухоро” нашриёти, 1997, 10,5 б.т.
2. Сунбула (Достон, шеърлар, ғазаллар).–”Бухоро” нашриёти, 2002, 9,0 б.т.
3. Amonova Z. CONFLICT INTERPRETATION IN CLASSICAL LITERATURE //Конференции. – 2020.
4. Amonova Z. K. THE IMAGE OF MANSOUR HALLAZH IN MASHRAB'S POETRY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 3. – №. 1. – С. 178-182.
5. Baqoevna R. M. Interpretation Of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 16-23.
6. Bekova N., Sayliyeva M. THE INTERPRETATION OF PRAISE IN THE EAST LITERATURE //Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии. – 2015. – №. 12. – С. 147-151.
7. Jurayevna B. N. Potential of language and artistic art //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 63.
8. KİTABI D. R. İ. H. A. A. İLİM VE MARİFET NURLARI : дис. – Karabük Üniversitesi.
9. Turaeva U. R. The Scientific Value Of Research On Mirmukhsin Fikriy //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 08. – С. 583-589.
10. Uroкова N. GENRE RESEARCH IN UZBEK POEMS OF RECENT TIMES //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 8. – С. 57-59.
11. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346
12. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
13. Rajabova M. B., Akhrorova Z. R. UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 219-223.

14. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – T. 27. – №. 2. – C. 1626-1633.
15. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – T. 4. – C. 170-174.
16. Quvvatova D. WORLD AND UZBEK POEMS: COMPARISON AND ANALYSIS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 947-949.
17. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – T. 5. – №. 2. – C. 32-35.

PROFESSIONAL SKILLS AND PSYCHOLOGY OF A TRANSLATOR

*KASIMOVA RANO RAKHMATULLOEVNA,
PhD in Philological Sciences,
Bukhara State University,
English Literature Department
(ranokasimova77@mail.ru)*

*ZIYADULLAYEVA AZIZA AKMALOVNA,
Master student of English Literature Specialty,
Bukhara State University
(aziziyodullayeva@mail.ru)*

Abstract: The article is dedicated to discuss the professional skills required from translators in the process of translation. The psychology of the translator and the author is examined too.

Keywords: psychology of a translator, SL (Source language), TL (Target language), invariant, suitability.

Introduction. Translation is an activity, with its structure and psychological content, and the translator is an agent, with his individual psychological characteristics. From the point of view of psychology, translation can be defined as a process of comprehension of perceived thought, understanding the meaning of an SL message and transforming the very meaning and formation of an utterance in a TL.

While learning the speech, the child passes through several stages. He listens, speaks, reads and writes. Thus, each person can take the same path in learning several languages. Translation is considered to be one type of speech activity, which only some individuals master to one degree or another, since its development requires a psychophysiological predisposition.

Main part. The work of a translator should be based on theoretical knowledge of translation which supports the translator to make sure that his decision is objective. Secondly, each action should be performed with comprehension. Therefore, a translator,

Axmedova Mavzuna. THE IMPACT OF WAR TO THE PEOPLE LIVING IN SUBURBS IN “IKKI ESHIK ORASI” BY UTKIR KHOSHIMOV	385
Sattorova Sitora, Zaripova Sohiba. THE ANALYSIS OF METAPHORS IN “JANE EYRE” BY CHARLOTTE BRONTE	388
Ubaydullayeva Feruza. APPRECIATING MOTHER TONGUE IN ALPHONSE DAUDET’S STORY	390
Bakayeva Muhabbat, Radjabova Madina. ROY KESEYNING “KUTISH NIKOYASINING O’ZBEKCHA TARJIMASIDA ZAMON VA MAKON IFODASI...394	
Каххорова Гулрух. ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТАРЖИМАЛУФАТЛАРИДА БЕРИЛИШИ.....	399
Nodira Rozikovna Kurbonova. ANALYSIS OF SETTING IN “EMMA” BY JANE AUSTEN	403
Qudratova Muborak. SIROJIDDIN SAYYID IJODIDA ARBAIN AN’ANASI ...	406
Nasima Saidburxonovna Qodirova. ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ТАҲЛИЛИДА.....	409
Очилов Нодирбек. Оскар Уайльднинг “Дориан Грей сурати” (“The Picture of Dorian Gray”) асарида эстетик оқим тамойиллари инъикоси	413
Хазраткулиён Дилшоди Фарходзот. SAMARQAND ADABIY MUHITIDA TOJIK YOSH AVLOD SHE’RIYATINING RIVOJLANISHI.....	417
Улуғбек Очилов. Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” асаридаги такрорлар таснифи ва уларнинг матнда бажарган вазифалари	419
Sh.D. Xolova. A.NAVOIY G‘AZALLARINING FRANSUZ TILIDAGI TARJIMASIDA FRAZELOGIK BIRLIKLAR IFODASI.....	422
Зоирова Малика. ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМАТИКА В СОВРЕМЕННОЙ ПРОЗЕ (НА МАТЕРИАЛЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ М.БУТОВА «СВОБОДА» И М.ПАЛЕЙ «ЕВГЕША И АННУШКА»)	425
Тагоева Ферузабону. СПЕЦИФИКА ПОСТМОДЕРНИЗМА В РОМАНЕ ВИКТОРА ПЕЛЕВИНА «ПОКОЛЕНИЕ П» («GENERATION П»)	431
Сафарова Хилола Охунжоновна.ГУЛЛАРИНГНИ АЙЛАДИ ЧЎП ҚАРҒА, БОЙҚУШ, ЗОҒ, ТИЛИМ...”	334
Kasimova Rano Rakhmatulloevna, Ziyadullayeva Aziza Akmalovna. PROFESSIONAL SKILLS AND PSYCHOLOGY OF A TRANSLATOR.....	438
Tashpulatova Visola Ismatullaevna. Domestication and foreignization in translation.....	441
Махмудова Робиябону Фуркатовна. ПИСАТЕЛЬ, ПОСПЕВШИЙ БОЛЬ НАРОДА.....	444
Ikramova Aziza Aminovna Davranova Gulbahor Numondjonovna.INGLIZ ADABIYOTIDA YUJIN O’NIL VA UNING DRAMA YOZISH MAHORATI.....	448
Islamova Dinara Azamatovna, Saydazzamova Chamangul Olimjon qizi.Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asaridagi maqollarning leksik-semantik xususiyatlari.....	451